

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PREZIDENTI HUZURIDAGI DAVLAT
XIZMATINI RIVOJLANTIRISH
AGENTLIGI



АГЕНТСТВО РАЗВИТИЯ
ГОСУДАРСТВЕННОЙ СЛУЖБЫ
ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

100163, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi, 43

100163, город Ташкент, улица Ислама Каримова, 43

QQ04175388

26.01.2022 й.

Вазирлик ва идоралар
(рўйхат бўйича)

Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси 2022 йил учун хорижий давлатларда бакалаврият, магистратура ва докторантура таълим дастурларига **420** ўринга мўлжалланган 1-очиқ стипендия танловлари ўтказилишини эълон қилди.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган номзодларнинг ҳужжатлари 2022 йилнинг **10 январидан 10 февралига** қадар ягона тартиб, тенг имконият асосида, онлайн режимда ва электрон тарзда <http://admission.eyuf.uz/> ҳаволаси орқали қабул қилинмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиз раҳбарлик қилаётган ташкилот тизимида меҳнат фаолиятини олиб бораётган, хорижий ОТМларга ўқишга кирган, чет тилларини мукаммал даражада биладиган, юқори малакали, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик сифатларига эга бўлган ходимларнинг очиқ стипендия танловида иштирок этиш учун ҳужжатлар топширишини таъминлашингизни сўраймиз.

Маълумот учун: Жамғарма очиқ стипендия танловлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6168-сон Фармони билан тасдиқланган “Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси таълим дастурлари бўйича номзодларни очиқ саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом талаблари асосида амалга оширилади.

Директорнинг
биринчи ўринбосари



О.А.Хасанов

Ижрочи.: И.Турсункулов
Тел.: 71 203 00 47, 203 00 49